



ЕТТБ ВАКИЛЛАРИ МАРКАЗИЙ БАНКДА

ЕТТБ вакиллари билан Марказий банкда учрашув бўлиб ўтди. Томонлар рисклар билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, мамлакат молия секторидаги мавжуд вазиятни муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш бўйича Марказий банк томонидан кенг қўлланма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Томонлар банк тизимининг ривожланиш стратегиясига мувофиқ давлат банкларини трансформациялаш ва хусусийлаштириш жараёнини муҳокама қилдилар.

ЕТТБ вакиллари пандемия даврида ва глобал ноаниқликлар шароитида регуляторнинг банк тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатларини юқори баҳоладилар. Учрашув якунида муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

5 ТА ЙЎНАЛИШДА ТАШАББУС



Ўзбекистон Президенти илгари сурган иккинчи ташаббус – тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай молиялаштириш тизимини яратишдир. Бу борада кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилади.

Учинчи йўналиш ҳақида сўз юритар экан, Президент кредит бериш масаланинг фақатгина бир томони экани, бизнес юриб кетиши учун етарли шарт-шароит, инфраструктура ва кафолатли бозор кераклигига тўхталди. Энг аввало, туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этилади.

ОЛТИНДАН ҚИММАТ СЎЗЛАР

* Ҳаётида муваффақият қозongan одамни кўрмадим. Агар кўрган бўлсам, ота-онасига яхшилик қилиш насиб қилган одам бўлади.

* Ғам-андухсиз одам йўқ. Лекин "Бу шунчаки дунё" деб табассум

қиладиган одам топилади.

* Сиқилган пайтингизда йигламанг, балки саждага йиқилинг.

* Энг яхши дўст дунё сенга кулиб бокқанда ҳасад қилмайди, дунё сенидан юз ўгирса, сени ташлаб кетмайди.

ҚИЗИҚ

Биринчи бўлиб қўлга тақиладиган соатни 1868 йилда Патек Филипп ихтиро қилган. У аслида, қимматбаҳо тошлар билан безатилган билагузук бўлиб, унга соат ҳам жойлаштирилган ва фақат аёллар тақар эди.

СОАТ НЕГА ЧАП ҚЎЛГА ТАҚИЛАДИ?

1904 йилда бразилиялик ҳарбий учувчи Альберто Сантос Дюмонт соатсоз дўсти Луис Картердан уруш ва жанглarda ҳам ечмай, тақиб юрса бўладиган қўлсоат ясаб беришни илтимос қилган. Дўстининг илтимосига кўра, Картер ҳар тарафлама қўлай бўлган қўлсоат яратди. Уни ҳар қандай вазиятда ҳам тақиб мумкин бўлган. Соатни фақат эркаклар тақибар эди. Картер уни "Сантос қўлсоати" деб номлади.

Ушбу қўлсоат 1911 йилдан сотувга чиқди. Шундан кейин анча оммалашди. Кейинчалик Франция, Швейцария каби давлатларда қўлга соат тақиб урфга кирди. Чўнтак соатига қараганда бу анча қўлай эди. Ана ўша пайтда Картер мазкур қўл соатини чап қўлга мослаб ясаган. Чунки, урушда аскарлар ўнг қўлларига қурол ва бошқа нар-



саларни ушлайдилар. Бошқа иш қилинаётган пайтда ҳам инсон одатда ўнг қўлини кўпроқ ишлатади.

Учувчи Альберто айнан мана шу қўлайликни кўзлаб, дўстидан қўл соати ясаб беришни илтимос қилганди. Шу билан бирга соатнинг ёнидаги бурагичлари ҳам чап қўлга мослаб жойлаштирилган. Агар соатни ўнг қўлга тақсангиз, унинг бурагичидан фойдаланиш анча қийин ва ноқўлай бўлади. Ёки соатни ечиб, бураб, кейин яна тақиб олишга тўғри келади.

А. КАБИРОВ.

* Викор ва ҳайбатли бўлишнинг сабаби камгаплиқдир. Жамол ва чиройнинг сабаби табассумнинг кўпидир. Ҳайбатли, викорли бўл!

* Инсон таълим олган нарсаларнинг энг чўққиси, ҳар бир фикрнинг эшитиб, уни ҳурмат қилишидир. Ундан қаноатланиши шарт эмас.

2022 йил, сентябрь

УШБУ СОНДА:

ЯНА БИР ЭЪТИРОФ,
ЯНА БИР ҒАЛАБА

МИЖОЗЛАРИМИЗ ҒОЛИБ
БЎЛМОҚДА

"НАМКОРБАНК"ДАН
МЕГА АКЦИЯ

ЮТУҒИМИЗ
БИРДАМЛИҚДА

УЧ БОР НОМИНАЦИЯ
ҒОЛИБИ БЎЛДИК

5 ТА ЙЎНАЛИШДА
ТАШАББУС

СОАТ НЕГА ЧАП
ҚЎЛГА ТАҚИЛАДИ?

Марказий банкда "BNK Kyongnam Bank" АЖ бошқарув раиси Чой Хонг Ёнг (Корея Республикаси) бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Марказий банк раҳбарияти меҳмонларни мамлакат банк тизимининг



Учрашув

КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

жорий ҳолати билан таништирди. Халқаро молия институтлари иштирокида "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси"га мувофиқ давлат банкларини

трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёни фаол давом этаётгани таъкидланди.

Kyongnam Bank раҳбарияти амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакат иктисодиётидаги ижобий ўзгаришларни қайд этди. Шунингдек, меҳмонлар

рақамли банк хизматларига ихтисослашган шўъба банк очиш орқали Корея банкининг Ўзбекистон молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш режалари билан танишди. Марказий банк вакиллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ банк очиш тартиби тўғрисида тушунчалар берди.

СОҲА ВАКИЛЛАРИ ҚЎЛЛАБ — ҚУВВАТЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларини билдирди.

Биринчи йўналиш — корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш.

Бунда, корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилади. Булар:

- 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес;
- 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес;
- 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради.

Марказий банкда Mastercard халқаро тўлов тизими минтақавий директори Ясемин Бедир бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

MASTERCARD ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Учрашувдан қўзланган мақсад аввалроқ имзоланган ўзаро англашув Меморандуми бандларини амалга ошириш бўйича кейинги қадамларни белгилаш. Мулоқот чоғида тўловларни рақамлаштириш истикболлари, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

муҳимлиги айтилди.

Томонлар шаффофликни ва хавфсизликни таъминлашга имкон берувчи нақд пулсиз ҳисоб-китобларга ўтиш муҳимлигини таъкидладилар. Шунингдек, Mastercard вакиллари банк тизимига рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган ва хориж мамлакатларида муваффақиятли амалга

оширилаётган амалдаги лойиҳаларни тақдим этдилар.

Иштирокчилар киберхавфсизлик ва молиявий саводхонлик масалалари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган қўшма таълим тадбирларини ўтказишдан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Учрашув якунида томонлар Меморандум доирасида тўловлар экотизимини яратиш бўйича қўшма йўл харитасини ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

ТАЙИНЛОВЛАР



Банк бошқарувининг 2022 йил 8 сентябрь кунги буйруғига асосан Мухитдинов Шерзодбек Захритдинович 2022 йил 9 сентябрдан “Hamkorbank” АТБ Бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига тайинланди.



Банк бошқарувининг 2022 йил 8 сентябрь кунги буйруғига асосан Мухтаров Алишер Косимович 2022 йил 9 сентябрдан “Hamkorbank” АТБ Бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР



Visa va Korzinka.uz қўшма акциясининг ғолиби аниқланди —Зебо Хусаинова.

Зебо Хусаинова “Hamkorbank” Visa картасини расмийлаштириб, Korzinka.uz супермаркетини харидни амалга оширди ва Қатарда бўлиб ўтадиган FIFA World Cup 2022 футбол бўйича



ЯНА БИР ЭЪТИРОФ, ҒАЛАБА

Мустақиллик байрами арафасида “Hamkorbank” “Humo” тўлов тизимининг “Терминал эквайринги бўйича энг яхши ҳамкори” мукофотини қўлга киритди.

Ушбу мукофот банк ўз мижозларига савдо терминаллари бўйича энг яхши хизмат кўрсатиш,

энг яхши техник ёрдам ва ҳисоб-китобларнинг энг юқори тезлигини кўрсатаётганидан далолат беради.

Эътироф учун “Humo” МБПМга миннатдорчилик билдирамиз ва келгусида ҳамкорлигимиз янада ёркин бўлишига умид қиламиз.

"HAMKORBANK" ДАН МЕГА АКЦИЯ

Сизни навбатдаги совринли акция билан қувонтирамиз. Бу сафар совгалар ҳар галгидан ҳам жозибадор!

Шартлар оддий, шунчаки “Сбербанк Онлайн” иловаси орқали “Hamkorbank” картасига ўтказмани қабул қилинг ва иштирокчига айланинг.

Ўтказма суммаси 1 млн.

сўмдан кам бўлмаслиги керак. Картангизга юборилган ҳар бир кейинги миллион эса сизга яна бир иштирокчи ўрнини беради.

Ғолибларни 25 та Samsung Galaxy A73 5G смартфонлари, иккита Chevrolet Cobalt автомобилларидан бирини ҳамда супер соврин Chevrolet Tracker 2 автомобиллини

ютиб олиш имконияти бор. Шошилинг, акция муддати чекланган.

Акция 2022 йил 15 сентябрдан 2023 йилнинг 15 январгача давом этади.

Маълумот учун телефон: 1256 ёки 0 800 1 200 200.

Янгиликни Россиядаги яқинларингизга етказинг. “Hamkorbank” карталарига



ўтказмаларни қабул қилинг ва кимматбаҳо совринларни ютиб олинг!

“Hamkorbank” АТБ филиаллари хизмати намунали. Мижозларининг қўлиги, аҳоли фаровон турмушида иқтисодий кўмакчи эканлиги ҳам бор гап. Мен филиалимизнинг кўп меҳнат ва эътибор талаб қиладиган бўлимлари ҳақида гапирмоқчиман.

ЮТУҒИМИЗ БИРДАМЛИКДА

Филиалимиз фаолиятини йўлга қўйган 2014 йилда иш ташкил этиш, жамоани шакллантириш ва мижозларни жалб қилиш осон бўлмаган. Ўша кезларда атиги 13 нафар ходимнинг ҳаракати бутун филиал фаолияти учун асос бўлган. Қисқа вақтда халқимиз ҳурматини қозондик. Бугунги кунда 53 нафар ходим мижозларга хизмат кўрсатяпти. Юридик ҳамкорларимиз сони ортиб бормоқда.

Корпоратив хизматлар бўлимида ҳисоб рақам, СРО ҳамда сотув менежерларидан иборат 7 нафар ходим мижозларга хизмат кўрсатади. Ушбу бўлимда жорий йилнинг 9 ойи давомида кредит маблағлари ажратиш кескин ошди. Ўтган йилнинг шу

давридагига нисбатан ҳам ўсиш кузатилди. Таҳлиллар фарқи 120,5 фоизни кўрсатмоқда. 2 та БХОда корпоратив хизматлар йўналишида яна 4 та сотув менежери фаолият кўрсатиб келяпти.

Ҳар қандай банкда кредит муаммоларининг бўлиши табиий. Балансда юритилаётган 60 кундан юқори муаммолар кредитлар 9 та. Кредит портфелидаги улуши 0,2 фоизни ташкил қилади.

Энг оғир ундирув хизмати бўлимида 2 нафар ҳамкасбимиз бўлим бошлиғи Жамшид Ҳайитбоев ва етакчи мутахассис Бегзод Сайдалиев кўп ишларни амалга оширяпти. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаради. Масалан,

Нодирабегим филиалининг “Бизнес марказ” банк хизматлари офиси Андижон шаҳри марказида жойлашган бўлиб, мижозлар учун ҳар томонлама қўлайлик яратган. Офисимиз нафақат шаҳар, балки, ҳудудий яқин бўлган Олтинқўл ва Андижон туманлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

УЧ БОР НОМИНАЦИЯ ҒОЛИБИ БЎЛДИК

Жамоада қатъий тартиб-интизом жорий қилинган. Шунинг учун ҳам ютуқларга эришяпмиз. Шу йилнинг сентябрь ҳолатига юридик шахслардан ҳисоб-касса хизмати кўрсатишнинг ўзидаги маблағимиз кутилганидан ортиқ бўлди. “UZCARD” ва “HUMO” банкомат хизматидан кўриладиган ойлик фойдамиз ҳам қувонарли.

БХО 2021 йилга қадар “Хамкор халқаро бизнес маркази” ичида жойлашгани боис кўрсаткичларимиз юқори бўлмаган. Шу йилнинг баҳорида марказ ташқарисидида фойлатимизни бошладик. Талабга қараб банк хизматлари тури кенгайди ва мижозлар сони сезиларли даражада ошди. Кўрсаткичларимиз ҳам йил сайин ўсиб борапти. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойлик натижалари юқори бўлди.

Айни дамда биргина Энг фаол юридик бўлимнинг актив мижозлари 200 дан ортиди.

ВАШ-пул айирбошлаш бўлими белгиланган режани ортиғи билан бажариб, 150 фоиз натижа кўрсатди. Умумий фойда кўрсаткичи 121 фоизга бажарилди.

Бугун жамоада 6 нафар билимли ёшлар жамланган. Универсал менежер сифатида Дилшодбек Турғунбоевнинг хизматлари тахсинга лойиқ. Муроджон



Мухаммаджонов эса истеъмол кредитлар ажратиш халқимизга кўмакчи. Яқинда қаторимизга ўз ишининг устаси, тажрибали Мадина Абдувоҳидова қўшилди. У касса амалиётларининг ҳадисини олган. Жамоамизнинг шаклланишида доим маслаҳатчи сифатида Нодирабегим филиали бошқарувчи ўринбосари

Ҳаётбек Эргашевнинг ҳиссаси катта.

2021 йилни “Энг сифатли хизмат кўрсатган БХО” ҳамда 1-гуруҳ йўналишида “Энг самарадор банк хизматлари офиси” номинациясида 1-ўрин ғолиби сифатида яқунлаганмиз. Бу муваффақиятлар эшигини очиб берди. Жорий йилнинг 2-чорак якунида 2-гуруҳ йўналишида 2-ўринга “Энг самарали банк хизматлари офиси” дея бизнинг “Бизнес марказ”имиз эътироф этилди.

Бугун айтиш мумкинки, халқимиз юқори банк маданиятига эга. Мижозларимиз кундан кунга кўпаймоқда. Демак, хизматларимиздан уларда қониқиш бор.

Ҳамидулло НОРМАТОВ,
БХО бошлиғи.